

ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ПРОФИЛИ
(5240105 – Юриспруденция: фуқаролик ва бизнес ҳуқуқи)

Умумий маълумотлар:

ОТМ номи ва манзили: Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ), Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 100047.

Ташкилот тури ва ҳуқуқий мақоми ҳақида маълумот: ТДЮУ юридик шахс бўлиб, олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Академик календар: Университетда ўқув йили қоида тариқасида 2 сентябрдан бошланади ва ўқув соатлари ўқув йилида 28 ҳафтани ташкил этади, жумладан 14 ҳафта кузги, 14 ҳафта баҳорги семестрлар учун.

Кузги ва баҳорги семестрларда талабаларнинг мустақил таълими учун алоҳида ҳафтalar ажратилган. Бунда кузги семестрда 1, 6, 12-ҳафтalar, баҳорги семестрда эса 29 ва 35 ҳафтalar мустақил таълим ҳафталиги ҳисобланади.

Қишки таътил ўқув йилининг 18 ва 19 ҳафтalarида бўлиб ўтади.

Ўқув йилининг 20-23-ҳафтalarи кузги семестр учун якуний назоратларни топшириш учун ажратилган.

Баҳорги семестр қоида тариқасида 1 февралдан бошланади. Ўқув йилининг 40-43 ҳафтalarида баҳорги семестр учун якуний назоратлар бўлиб ўтиши режалаштирилган.

1-3 курс талабалари учун ўқув йилининг 44-52 ҳафтalarи ёзги таътил учун ажратилган.

4-курс талабалари учун ўқув йилининг 24-33 ҳафтalarида битирув малакавий амалиёт ўташи, 34-42 ҳафтalarда эса Якуний давлат аттестацияси (талабалар танлови асосида комплекс давлат имтиҳони ёки битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш) ўтказилади.

Таълим дастури ҳақида маълумот:

Таълим дастури номи, шифр коди: 5240105 – Юриспруденция: фуқаролик ва бизнес ҳуқуқи.

Таълим дастури давомийлиги нечи йил: 4 йил.

Жами кредитлар миқдори: 240 ECTS

Дастур тури: бакалавр

Дастур тили: ўзбек, рус, инглиз

Ўқув режа: ТДЮУ Кенгашининг 26.06.2020 йилги мажлиси қарори билан тасдиқланган.

Қабул талаблари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовлари орқали амалга оширилади. Тест синовлари фанлар мажмуаси ва баҳолаш мезонлари 2020/2021 ўқув йили учун қуйидагича:

– *тарих фанидан* жами **30 та** савол бўлиб, ҳар бир тўғри жавобга **3,2 балл** берилади. Мазкур фандан тўпланиши мумкин бўлган умумий балл **96 балл**ни ташкил этади.

– чет тили фанидан жами **30** та савол бўлиб, ҳар бир тўғри жавобга **3,1** балл берилади. Мазкур фандан тўпланиши мумкин бўлган умумий балл **93** баллни ташкил этади.

Умумий тест синовларидан тўпланиши мумкин бўлган максимал балл **189** баллни ташкил этади.

Чет тилидан ўтказиладиган тест синовларидан озод этиш ва ушбу фандан максимал балл олиш учун чет тилларини билиш бўйича сертификатлар даражалари қуйидагича бўлиши талаб этилади:

CEFR миллий сертификати бўйича – **B2** ва ундан юқори;

IELTS сертификати бўйича – **5,5** (бунда writing модулидан 5,5 балл) ва ундан юқори;

TOEFL сертификати бўйича – **72** балл;

бошқа тиллар бўйича тегишли миллий ва халқаро сертификатлар – **B2** ва ундан юқори.

Тўлов шарнома пули:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун - **9 782 352,0** сўм,
хорижий фуқаролар учун **16 711 518,0** сўм тўлов-контракт миқдорлари белгиланган.

Ушбу миқдорлар таркибида талабага бир йиллик стипендия тўлаш билан боғлиқ харажатлар кўзда тутилмаган. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорлари ўзгарганда тўлов-контракт қиймати миқдорлари мос равишда ўзгаради.

Таълим йўналиши объекти: ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, адвокатлик фаолияти, тергов ва суриштирувни амалга ошириш, суд процесси, ижро иши юритиш жараёни, юридик хизмат кўрсатиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, халқаро ташкилотлар ва бошқа ташкилотларда юридик фаолиятни амалга ошириш ҳисобланади.

Мақсади талабаларда: юриспруденция соҳасидаги назарий билимларни ва амалий кўникмаларни шакллантириш, ҳуқуқ устуворлиги моҳиятин англаш ва ўз фаолиятида доимий қўллаш, ҳуқуқ нормаларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокатура ва бошқа ташкилотлар фаолиятида, шунингдек юридик хизматида қўллаш, суд процессида қатнашиш, музокаралар олиб боришни ташкил этиш, юридик хизматлар истеъмолчилари (мижозлар) билан ишлаш, юридик хулосалар бериш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, процессуал ва бошқа ҳужжатларни тузиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида, хусусан қонун лойиҳалари, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш, шунингдек низоли масалаларга қонун нормаларини тўғри қўллаш орқали хулосалар бериш малакасини шакллантириш, замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорларга малакали юридик ёрдам кўрсатишга тайёр профессионал ва ҳалол кадрлар тайёрлаш.

Таълим сўнгида кутилаётган натижалар (малака, кўникма, лаёқат). Таълим йўналиши битирувчилари:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни излаб топиш, ҳуқуқий ахборот кидирув тизимлари билан ишлай олиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар, битимлар ва процессуал ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

- ҳуқуқ принципларини амалий ҳаётда тўғри қўллаш олиш;

- судгача талабнома-даъво ишларини юритиш, суд мажлисларида катнашиш, шартномавий муносабатларда вакиллик қилиш;

- муаммоли вазиятларда ҳуқуқий ечимлар таклиф қилиш, жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

- бизнес ва иқтисодий фаолият билан боғлиқ низо ва муаммоли вазиятларни аниқ ва деталли ечиш, бизнес фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ ҳужжатларни тўлдириш **малакасига эга бўлиши;**

- касбий ҳуқуқни қўллаш фаолиятини мониторинг қилиш ва сифатини баҳолаш бўйича самарали усул ва механизмларни ишлаб чиқиш;

- доимий шахсий ва касбий ривожлантиришга интилиш;

- таҳлилий фикрлаш ва вазиятга ҳуқуқий баҳо бериш;

- ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай олиш, ҳуқуқий воқеъликни идрок қилиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини тушуниш, уларни шарҳлаш ва қўллаш олиш **кўникмаларига эга бўлиши;**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўзининг шахсий дунёқараши орқали ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;

- ўз фаолиятида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши;

- ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ва мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда мақсадга эришишда қатъият кўрсатиш **лаёқатига эга бўлиши керак.**

Қайси соҳаларда ишласа бўлади: Битирувчилар фуқаролик ва бизнес ҳуқуқи соҳасида адвокатлик тузилмаларида, халқаро консалтинг ва юридик фирмаларда, халқаро тижорат арбитражлари ва ҳакамлик судларида, давлат ва хўжалик бошқаруви, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда, шу жумладан суд, адлия, прокуратура, ички ишлар органлари тизимида, турли тижорат ва нотижорат ташкилотларда фаолият юритиши, шунингдек юриспруденция таълим йўналиши бўйича бакалавр дипломи талаб этиладиган барча соҳаларда ишлаши мумкин.